



**MOLIYAVIY
HISOBOTNING
XALQARO
STANDARTLAR
ASOSIDA
KONSOLIDATSIYALASH
JARAYONLARINI
TASHKIL ETISH**



**ISMOILOV
SHUKURILLO
ULUGBEK UGLI,**
*"Stars xalqaro
university"*
talabasi



**ILMIY RAHBAR
ESHONQULOV AZAMAT
ABDIRAXIMOVICH,**
*TDIU Buxgalteriyasi hisobi
kafedrasi assistenti*

<https://doi.org/10.47689/STARS.university-pp126-131>

Annotatsiya: Maqola Buxgalteriya xisobi xalqaro qo'mitasi tomonidan ishlab chiqilgan moliyaviy xisobotning xalqaro standartlarining mohiyati, ularning tarkibi va tasnifi kiritilgan. Shuningdek, moliyaviy xisobotning xalqaro standartlariga jaddalashtirish orqali xorijiy investorlar, zarur axborot muxiti bilan ta'minlash va xalqaro moliya bozorlariga kirish imkoniyatlari kengayadi.

Moliyaviy xisobotning xalqaro standart bo'yicha konsolidatsiyalashgan xisobot moliyaviy xisobotning – tarkibiy qismi xisoblanadi. Kalit so'zi. Xalqaro moliyaviy xisobot, buxgalteriya xisobi, Xisobotning xalqaro standartlari, konsolidatsiyalashgan moliyaviy xisobot.

Ишлаб чиқариш субъектлари, ташкилотлар фаолияти самарадорлиги, умуман, иқтисодиёт ривожига молиявий ҳисоботларнинг ўзига хос ўрни бор. Шу маънода, Президентимиз томонидан 2020 йил 24 февралда “Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларига ўтишнинг қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорга имзо чекилиши ва унга биноан, 18 та банддан иборат “Йўл харитаси” тасдиқлангани юртимизда ушбу йўналишда ҳам жиддий ишлага қўл урилаётганидан далолат. Бу тўғри йўл. Бинобарин, биз халқаро доирага, жаҳон бозорига интилаётган эканмиз, фаолиятимиз ҳам халқаро стандартларга мос бўлиши лозим.

Яъни молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларига ўтишни жадаллаштириш орқали хорижий инвесторларни зарур ахборот муҳити билан таъминлаш ва халқаро молия бозорларига кириш имкониятлари кенгаяди. Ҳисоб ва аудит соҳалари мутахассисларини халқаро стандартлар бўйича тайёрлаш тизими такомиллаштирилади.

Умуман, бугунги кунда жамиятида жадал кечаётган ўзгариш ва такомиллашувлар бухгалтерия соҳасида ҳам ислохотларнинг янги босқичи бошланганлигини англатади. Яъни давр моҳиятан миллий қобиқда қолган, бугунги кун талаби нуқтаи-назаридан бирмунча биқик ҳисобчиликнинг анъанавий тизимидан босқичма-босқич воз кечишни талаб этмоқда.

Қайд этиш жоизки, бугунги кунда, иқтисодиётнинг турли соҳаларида ярим миллионга яқин корхона ва ташкилотларда ушбу хизмат тури йўлга қўйилиб, ҳисобдорлик юритиб келинмоқда. Бироқ бир хилдаги иқтисодиётнинг қонун-қоидалари асосида ишлаётган икки дунё (миллий ва халқаро) ҳисоб тизимини таққослашдаги оралиқ масофа борган сари кенгайиб кетмоқда.

Бугунги кунда мамлакатимизда олиб борилаётган бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботларни халқаро стандартларга мослаштиришда манфаатдор фойдаланувчилар учун фойдали ахборотларни шакллантиришга хизмат қилади. Халқаро стандартлардан фойдаланиб, тузилган ҳисоботлар хўжалик юритувчи субъект ҳақида ишончли ва катта ҳажмдаги молиявий ахборотларнинг шаффофлигини таъминлашга қаратилган. Ҳозирги кунда амалиёт шуни кўрсатадики, хўжалик юритувчи субъект томонидан тузиладиган ҳисоботлар халқаро стандартлар асосида, биринчидан, халқаро капитал бозоридаги ўз ўрни, иккинчидан, ўзи учун керакли инвестицияларни жалб қилиши билан изоҳланади. МҲХС бўйича тузилган ҳисобот хўжалик юритувчи субъект ҳақида маълумотларни инвесторнинг молиялаштириш улар билан боғлиқ рискларни олдиндан баҳолаши шартдир.

Акциядорлик жамиятлари фаолияти самарадорлиги, умуман, қитисодиёт ривожига молиявий ҳисоботларни ўрни катта. Шу сабабли, Президентимиз томонидан 2020 йил 24 февралда “Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларига ўтишнинг қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарорининг имзоланиши билан бирга “Йўл харитаси” тасдиқланиши бежиз эмас. Ушбу “Йўл харитаси”да асосий учта бўлим келтириб ўтилган. Булар:

- МҲХСни жорий этиш жараёнини тизимлаштириш ва унинг натижадорлигини ошириш;

- Бухгалтерия ҳисоби ва аудит таълим йўналишларида кадрлар тайёрлаш тизимини такомиллаштириш ва олий таълим сифатини ошириш бўйича чора-тадбирлар;

- МҲХСнинг аҳамияти ва мазмунини тушунтириш бўйича чора-тадбирлар” мамлакатимиз иқтисодиётининг халқаро даражада интеграциялашуви хўжалик юритувчи субъекларининг фаолиятини ҳам халқаро стандарт талабларига мос бўлишини тақозо этади.

Яъни, МҲХСларга ўтишни жадаллаштириш орқали хорижий инвесторларни зарур ахборот манбаи билан таъминлаш ва халқаро молия бозорларга кириш имкониятлари кенгайтириш долзарб ҳисобланади. Умуман олганда, бугунги кунда иқтисодиётнинг ривожланиши жамиятдаги ўзгаришлар ва ислохотлар бухгалтерия ҳисоби соҳасида ҳам изчил ўзгаришларни янги босқичи бошланаётганлигини кўрсатмоқда.

Давлатимиз раҳбарининг юқорида номи келтирилган қарори Ўзбекистонда молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларини жорий қилиш ҳамда бухгалтерия соҳасидаги ислохотларнинг янги босқичини бошлаб берди.

Шундан келиб чиқиб, бизнес субъектлари томонидан қўлланилаётган ва юритилаётган бухгалтерия ҳисоби тоамилларида халқаро нормаларга номувофиқлик даражасининг айрим жиҳатларига тўхталиб ўтсак. Хусусан, шу пайтгача бизнес субъектларида ташқи инвестициялар оқими бўйича капитал оқимига доимий тайёрлаб бориш стратегияси йўқ.

Яъни уларнинг биронтасида ўзининг муваффақиятли инвестицион тарихи шакллантирилмаган. Бизнеснинг реал, потенциал қийматини аниқлашга мулкдорда ҳам давлатда ҳам қизиқиш бўлмаган. Муваффақиятли битимларга келишишда бизнес ҳисобдорлигининг аудиторлик ҳулосаси ҳеч қандай таъсирга эга эмас. Ички назоратни йўлга қўйишнинг амалдаги тартиби бошқарув сифатига боғланмаган. Тартибли жамоани шакллантиришда кадрлар муаммоси долзарблигича қолмоқда. Бу каби ҳолатлар бухгалтерия ҳисобининг халқаро гормонизацияни, унинг интеграцион жараёнларга тўла мослашувини, глобаллашув жараёнида ахборотларнинг ягона маконини шакллантиришга тўсқинлик қилади.

Халқаро стандартлар расмий эълон қилинадиган

Ҳисоботларда бизнес бошқарув ва фаолият натижадорлигини объектив ҳамда реал акс эттиришга, бизнеснинг давомийлиги, ривожланиш ва тараққиётнинг муҳим тенденцияларини аниқ кўра билишга имкон беради. Бу эса жалб қилинадиган ташқи инвестициялар ҳажми оширишга, халқаро алоқалар мустаҳкамланишига, салоҳиятли харидорлар гуруҳи шаклланишига, умуман, халқаро доирада нуфуз ошишига замин яратади”.

Шу ўринда айтиш жоизки, “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги 2014 йил 6 май, ЎРҚ-370-сонли Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 102-моддасида “Жамият қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда бухгалтерия ҳисобини юритиши ва молиявий ҳисобот тақдим этиши шарт. Жамиятда бухгалтерия ҳисобининг ташкил этилиши, ҳолати ва ишончлилиги, тегишли органларга ҳар йилги ҳисобот ва бошқа молиявий ҳисоботлар, шунингдек жамиятнинг расмий веб-сайтида ва оммавий ахборот воситаларида акциядорларга, кредиторларга тақдим этиладиган жамият фаолияти тўғрисидаги маълумотлар ўз вақтида тақдим этилиши учун жавобгарлик жамият ижроия органининг зиммасида бўлади. Жамиятнинг молиявий ҳисоботида кўрсатилган ва акциядорларнинг умумий йиғилишига тақдим этиладиган молиявий ҳисоботдаги, бухгалтерия балансидаги, фойда ва зарарлар ҳисобварағидаги маълумотларнинг ишончлилиги мулкрий манфаатлари жамият ёки унинг акциядорлари билан боғлиқ бўлмаган аудиторлик ташкилоти томонидан тасдиқланган бўлиши керак”.

Мамлакатимизда фаолият юритаётган акциядорлик жамиятлари ва йирик компаниялари МҲХСларига ўтиш вақти ҳам келганлигини айтиш мумкин. Миллий стандартларимиздан халқаро стандартларга ўтишимиз бизга чет эл инвесторни қизиқтирадиган асосий нарса ташкилотнинг реал соф даромади ва активларнинг ҳаққоний қийматларини акс эттиришдир. Инвесторларни кўпроқ солиқ ундириш эмас, балки ташкилот қанчалик даражада самарали фаолият юритаётгани қизиқтиради. Шудай экан, инвесторлар кўпроқ молиявий ҳисоботига эмас кўроқ, консолидациялашган молиявий ҳисоботда

активларни ҳаққоний қийматда, мажбуриятлар ва харажатларни тўлалигича, шунингдек, даромадлар оширилмай кўрсатилишини кўрсатиб беришлари шартлиги кўрсатиб ўтади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015- йил 24-апрелдаги “Акциядорлик жамиятларида замонавий корпоратив бошқарув услубларини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармонида асосан 2015–2018 йилларда барча акциядорлик жамиятлари йиллик молиявий ҳисоботни нашр этиши ва аудит ҳамда молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларига мувофиқ ташқи аудитни ўтказиши белгиланган эди. Шу ўринда таъкидлаш жоизки, ўша даврда мамлакатимизда фаолият олиб бораётган ҳисобчи, солиқ ва молия мутахассисларининг кўпчилиги қисми МҲХС бўйича етарли билимга эга эмас эди. Бунинг устига МҲХС ҳужжатлари ўзбек тилида қўллаш учун доимий янгиланган версияси тақдим этилмади. Натижада, кўпчилик компаниялар МҲХС асосида молиявий ҳисоботни тайёрлаш учун аудиторлар ва бошқа ташқи экспертларни ёллашга мажбур бўлди. Бунинг оқибатида ўтган 2015–2018 йилларда мамлакатимизда МҲХСларни амалий қўллаш тажрибаси пайдо бўлмади.

МҲХСга ўтиш натижасида эришиладиган амалий афзалликлар

МҲХСга ўтиш натижасида эришиладиган амалий афзалликлар қуйидагилардан иборат:

- Активларни баҳолашнинг бозор механизмлари – амалда активлар ва мажбуриятларнинг дастлабки қиймати ва унинг жорий бозор қийматидан фойдаланиш инвестор учун ҳам ташкилотнинг ўзи учун ҳам самарали қарорлар қабул қилишга ёрдам беради;


- молиявий инструментларни қўллаш қулайлиги – МҲХС ҳужжатлари замонавий бизнес йўналишлари ва операцияларни акс эттириш усуллари етарли даражада тез-тез қайта кўриб чиқиши мамлакатда молиявий инструментлардан фойдаланиш имкониятларини оширади;

- Активлар қадрсизланишини ўз вақтида акс эттириш – амалдаги ҳисоб стандартлари активлар қадрсизланиши rischi бўйича чоралар кўришни талаб этмайди. Натижада йирик компанияларда активлар суммасининг ошириб кўрсатилиш riskини юзага келтиради. МҲХС стандартлари бундай riskларнинг олди олиниши учун зарурий талабларни қўяди;

- Шартли актив ва баҳоланган мажбуриятлар бўйича аниқ кўрсатмалар – фойдаланувчилар тўғри қарор қабул қилишлари учун нафақат ҳужжатларга асосланган операциялар тўғрисидаги ахборот, балки келажақда содир бўлиши мумкин бўлган ҳодисалар оқибатини жорий ҳисоботларда акс эттириш ҳам муҳим аҳамият касб этади;

- Консолидациялашган молиявий ҳисоботлар тузиш – кўпчилик йирик компаниялар ўзининг таркибига кирувчи корхоналарни ҳисобга олган ҳолда жамлама ҳисоботларни тузмоқда, лекин уларни тузишда замонавий консолидациялаш механизмларини ҳисобга олмаслиги, ушбу компаниялар гуруҳининг ҳақиқий аҳволи кўринмай қолишига сабаб бўлмоқда. МҲХС бўйича консолидациялашган ҳисобот молиявий ҳисоботнинг алоҳида махсус таркибий қисми ҳисобланади ва унга нисбатан махсус талаблар мавжуд.

МҲХС ҳужжатлари қўлланишга тайёр бўлганда, сиз уларни қайси тилда фойдаланишни афзал кўрасиз



Ушбу сўровнома натижасидан кўринадики, МҲХСни ўзбек тилида қўлаш ва ўрганиш учун жуда катта талаб бор. Шунга асосан миллий бозорда жаҳон стандартига жавоб берадиган МҲХС бўйича юқори сифатли ўқув адабиётлари ва амалий қўлланмаларнинг яратилиши мақсадга мувофиқ. Ўқув адабиётлари масаласида хорижий тажрибага асосланган ҳолда, МҲХС бўйича малакали педагог кадрларга эга нуфузли олий таълим муассасалари шундай адабиётлар яратиш тизимини йўлга қўйиши лозим. Бундай лойиҳалар тегишли вазирликлар, манфаатдор йирик ташкилотлар ҳамда хорижий донорлар томонидан ажратиладиган грантлар асосида амалга оширилиши мумкин.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 19 сентябрдаги – Ўзбекистон Республикасида аудиторлик фаолиятини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисидаги ПҚ-3946-сонли Қарори. Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 20.09.2018 й., 07/18/3946/1955-сон

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сонли – Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисидаги Фармони. Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й., 6-сон, 70-модда, 20-сон, 354-модда, 23-сон, 448-модда.

3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 10 августдаги ПФ-5147-сонли – Ўзбекистон Республикаси Ҳисоб палатаси фаолиятини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисидаги Фармони. Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й., 32-сон, 796-модда; Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 13.12.2017 й., 06/17/5283/0407-сон.

4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 21 августдаги ПҚ-3231-сонли – Таълим ва тиббиёт муассасаларини молиялаштириш механизмини ҳамда давлат молиявий назорати тизимини янада такомиллаштириш тўғрисидаги Қарори. Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й., 35-сон, 920-модда.

5. Меҳмонов С.У. Бюджет ташкилотларида бухгалтерия ҳисоби ва ички аудит методологиясини такомиллаштириш. и.ф.д. илмий даражасини олиш учун ёзилган дис. автореф. – Т.: 2018. – 74 б.

6. [ҳттпс://глобал.тҳеииа.орг](http://глобал.тҳеииа.орг)-Ички аудиторлар институти расмий веб сайти.

7. [ҳттп://www.иасаб.орг](http://www.иасаб.орг) -Буюк Британиянинг Ички аудит стандартлари бўйича маслаҳат кенгаши расмий веб сайти.

8. [ҳттп://www.фса.го.жп/ен](http://www.фса.го.жп/ен) -Япониянинг Молиявий хизматлар агентлиги расмий веб сайти.

9. [ҳттпс://ен.википедиа.орг/вики/Институте_оф_Интернал_Аудитор](http://ен.википедиа.орг/вики/Институте_оф_Интернал_Аудитор)

10. <https://lex.uz/docs/4746047>

<https://tfi.uz/ru/news-uz/moliyaviy-xisobotning-xalqaro-standartlari>